



## Ислом Нури

Беш вақт намоз муайян вақтларга белгилангани ва уларни ўз вақтидан олдин ўқиш жоиз бўлмаганидан ва кўпчилик вақт кирганини билмаслиги ё машғуллиги туфайли вақт кирганидан беҳабар қолиши мумкин бўлганидан Аллоҳ таоло намоз вақти кирганини эълон қилувчи азонни машруъ қилди.

Азон ҳижрий биринчи йилда машруъ қилинди. Унинг машруъ бўлиш сабаби – намоз вақтларини билишга қийналишиб, унга белги-аломат қилишни маслаҳатлашиб турганларида Абдуллоҳ ибн Зайд номли саҳобага тушида азон лафзлари билдирилди, сўнг ваҳий уни қувватлади (Абу Довуд (499), Термизий (189), Ибн Можа (Абдуллоҳ ибн Зайд розияллоху анҳудан ривоят қилганлар)).

Аллоҳ таоло айтди: **«Эй мўминлар, қачон Жумъа кундаги намозга чорланса (яъни азон айтилса), дарҳол Аллоҳнинг зикрига боринглар»** (Жумъа: 9).

Яна айтди: **«Сизлар қачон намозга чақирсангиз (азон айтсангиз)»** (Моида: 58).

Азоннинг ҳам, иқоматнинг ҳам махсус лафзлари бўлиб, улар иймон ақидасини ўзида жамловчи сўзлардан ташкил топган. Унинг аввали такбир, яъни, Аллоҳ азза ва жаллани улуғлаш, сўнг икки шаҳодат калималарини айтиш билан Аллоҳ таолонинг ягоналигига иқрор бўлиш ва Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳақ пайғамбар эканларига иқрор бўлиш, сўнг Исломнинг устуни бўлмиш намозга чорлаш, сўнг нажотга, яъни абадий жаннат неъматига эришишга чорлаш бўлиб, охирида яна Аллоҳ таолони улуғлаш ва энг афзал, энг улуғ зикр бўлган, агар осмонлару ерни бир паллага қўйиб, уни бир паллага қўйилса, ҳамма нарсадан оғир келадиган ихлос калимасини



айтиш билан тугалланади.

Азоннинг фазли ва муаззинлар қиёмат куни энг бўйни узун одамлар бўлиши ҳақида ҳадислар келган. (Муслим (387) шу мазмунда Муовия розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

Азон ва иқомат фарзи кифоядир. Фарзи кифоя – барча мўминлар зиммасига лозим бўлган ва улардан баъзилари адо қилишса, бошқаларининг зиммасидан гуноҳ соқит бўладиган фарздир. Азон ва иқомат Исломнинг ташқи белгиларидан бўлиб, хоҳ сафарда, хоҳ муқимликда бўлсин, беш вақт намоз олдидан эркаклар зиммасига лозимдир. Уларни тарк қилган диёр аҳлига қарши уруш қилинади, чунки бу иккаласи Исломнинг тарк қилиш мумкин бўлмаган ташқи белгисидир.

Муаззин овози ўткир бўлиши, омонатли-ишончли бўлиши – чунки намоз вақти киргани, рўза учун оғиз ёпиш ва ифтор вақти киргани унинг азони билан эътибор қилинади – вақтни яхши билувчи ва аввалги вақтида азон айтувчи бўлиши лозим.

Азон Билол розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида доим айтганидек, ўн бешта жумладан иборат бўлиб, муаззин азон лафзларини ҳаддан ортиқ чўзмасдан, ҳар бир жумладан кейин тўхтаб-тўхтаб айтиши мустаҳабдир. Азон айтиш пайтида қиблага юзланиш ва икки бармоғини қулоғи устига қўйиб туриши ҳам мустаҳаб бўлиб, бу билан овоз кучаяди. «Ҳайя алас-солат» деганда ўнг томонга, «хайя алал-фалаҳ» деганда чап томонга ўгирилади. Бомдод намоз азонида иккинчи «Ҳайя алал-фалаҳ»дан сўнг икки бор «Ас-солату хойрум-минан-навм», дейди. Чунки, бу аксарият одамлар ухлаб ётган пайт бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай



## Ислом Нури

дейишга буюрганлар (Абу Довуд (500, 501) Абу Маҳзура розияллоҳу анҳудан ривоят қилган). Азон лафзларининг олдидан ҳам, ортидан ҳам бошқа зикрларни овоз кўтариб айтиш жоиз эмас, бундай қилиш бидъат бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан собит бўлган азон лафзларидан бошқа ҳар қандай сўзни – тасбеҳ бўлсин, дуо ё Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавоту салом бўлсин – азондан олдин ё кейин баланд овозда айтиш бидъат ва ҳаромдир.

Иқомат ўн битта жумладан иборат бўлиб, уни тезроқ айтилади. Чунки, у намозга ҳозир бўлганлар учун намознинг бошланишини эълон қилишдир. Шу боис уни чўзиб айтишга ҳожат йўқ. Иқоматни азон айтган киши айтиши мустаҳабдир. Уни албатта имомнинг изни билан айтади. Чунки, иқомат вақти имомнинг қарашига боғлиқ бўлиб, унинг ишораси билангина айтилади. Вақтидан олдин айтилган азон кифоя қилмайди. Чунки, азон вақт кирганини билдириш бўлиб, вақтидан олдин айтилганда мақсад ҳосил бўлмайди. Фақат бомдод азонини одамлар намозга тайёрланишлари учун субҳдан олдинроқ айтиш жоиз, лекин тонг отар пайтида намоз вақти кирганини ва саҳарлик вақти тамом бўлганини билдириш учун яна бир бор азон айтилади.

Муаззинни эшитиб турган одам унга ижобат қилиши, яъни у айтган калималарни такрорлаши, «ҳайя ала-солат» ва «ҳайя алал-фалаҳ» жумлаларини эшитганда «ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ» дейиши суннатдир. Муаззин азондан фориг бўлганидан сўнг:

﴿:□□□□□□□□

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□

□□□ □□□□□□□□□□□□

□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□

□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□



## Ислом Нури

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□).

«Ушбу комил даъватнинг ва ҳозир бўлган намознинг Парвардигори бўлган эй Аллоҳ! Муҳаммадга васила ва фазилат ато этгин. Уни Ўзинг ваъда қилган мақтовли мақомда тургизгин», деб дуо қилади (Бухорий (614), Абу Довуд (529), Термизий (211), Насоий (680), Ибн Можа (722) Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). Азон айтилганидан кейин масжиддан бирор узрсиз ва қайтиб келиш ниятсиз чиқиб кетиш ҳаромдир. Муаззин азон айтишни бошлаганда бир одам ўтирган бўлса, ўрнидан туриб олиши керак эмас, балки сабр қилиб, азон тугадини кутсин, токи шайтонга ўхшаб қолмасин.

Мусулмон киши азонни эшитгач, ҳамма дунёвий ишларини йиғиштириб, масжидга йўл олиши лозим. Аллоҳ таоло айтади: «(У чироқ) **бир уйларда** (яъни масжидларда ёқилурки), **Аллоҳ уларни баланд кўтариб** (бино) **қилинишига** **ва уларда Ўзининг номи зикр қилинишига изн берган** (яъни амр қилган) эди. **У** (масжидларда) **эртаю кеч У зотни поклайдиган кишилар бордирки, уларни на тижорат ва на олди-сотди Аллоҳни зикр қилишдан, намозни тўқис адо этишдан ва закотни** (ҳақдорларга) **ато этишдан машғул қила олмас. Улар диллар ва кўзлар изтиробга тушиб қоладиган** (қиёмат) **кунидан кўрқурлар»** (Нур: 36, 37).